

Мухтарама аёллар, гулбар қизлар байрамингиз муборак!

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy
maqsadi — inson
salomatligiga
erishishdir.



Высшее благо
медицины —
здоровье.

♦ Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqq boshlagan. E-mail: uzss @ inbox.ru ♦ № 10 (474) 2006-yil 7-13 mart ♦ Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. ♦

*Оллоҳ мўъжизаси, моҳисан аёл,
Шоқлик маликаси, шоҳисан аёл.
Буюк-буюкликда сенинг тенгинг йўқ,
Оламнинг бахтисан, тожисан, аёл!*

*Сен билан топгаймиз, ёрқелик, камол,
Ишқда саждагоҳсан, эй соҳибжамол.
Яралгансан фақат муҳаббат учун,
Қар қалбга ҳокими мутлақсан аёл.*

Азиз аёллар!

Умр йўлини тиббиётга бахшида этган, бебаҳо вақти ва соғлигини аямасдан ҳаёти қил устида турган инсонларни касаллик чангалидан ҳимоя қилиб, хаста дилларга яшаш қувончини улашаётган жонкуяр, сабр-тоқатли, эпчил, юрагида ўти бор, фидойи шифокор ҳамда ҳамшира аёлларимизни нафосат ва гўзаллик байрами 8 март билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Аёлларимиз ота-оналари, фарзандлари, умр йўлдошлари бахтига соғ-омон бўлишсин.

Феруз НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.



Гўзал баҳорнинг майин шабадаси ҳар бир қалбга ўзгача сурур бағишлайди.

Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.

ОНАЖОН

Гоҳида ҳалқириб тўлганда юрак,
Кўнглимни топмаса ҳар қандай маслак,
Кўзларимга тор бўлса, атроф-теварак,
Шунда сизни кўмсайман, азиз онажон.

Дунёнинг ташвиши кўмиб ташласа,
Армонлар дилимни буткул ғашласа,
Тақдирим кўзимни пинҳон ёшласа,
Шунда сизни кўмсайман, азиз онажон.

Баъзида дўстларим берганида панд,
Ё танамга йўлиқса аллақандай дард,
Мени овутишга уринманг ҳарчанд,
Шунда сизни кўмсайман, азиз онажон.

Фарзандларим ачомлаб юрганларимда,
Гоҳида танҳо ўзим турганларимда,
Сиз тенги оналарни кўрганларимда,
Шунда сизни кўмсайман, азиз онажон.

Ташриф буюришса опа ё синглим,
Бироз таскин топар бу ғамгин дилим.
Юрагим зор йиғлар, айланмас тилим,
Шунда сизни кўмсайман, азиз онажон.

Шукрона айтаман шу кунимга ҳам,
Оқила бекаму, фарзандларим жам.
Яшаяпман ҳаётдан нолимай ҳечам,
Барибир сизни кўмсайман, азиз онажон.
... Соғиниб яшайман, мунис онажон.

Шербой ШЕРОВ,
Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш
бошқармаси
бошлигининг ўринбосари.

*Азиз онажонлар, мунис она-син-
гиллар! Сизларни баҳорнинг илк ай-
ёми 8 март — Халқаро хотин-
қизлар кўни байрами билан самимий
муборакбод этамиз. Ушбу кўн-
луғ кунда барча аёлларимизга тани-
соғлиқ, баҳорий кайфият ҳаммиса
ҳамроҳ, муҳаббат маликаларига эса
садоқат ва саодат ёр бўлишини ти-
лаймиз.*

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш —
Здравоохранение Узбекистана»
газетаси таҳририяти.

Бизнинг электрон почта: uzss@inbox.ru



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА
ҲАМШИРАЛИК ИШИ
СЕСТРИНСКОЕ ДЕЛО В
ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

...В здоровом теле - здоровый дух. Действительно, эта поговорка с давних времен и в наши дни не утратила своего смысла. Защита здоровья страны, постоянные работы по пропаганде здорового образа жизни являются главной движущей силой всего медицинского персонала нашей республики. Тут же нужно отметить, что большой вклад в здравоохранение народа вносят не только врачи, но и медицинские сестры и фельдшера. Случись у нас какой-либо недуг, обратившись в медицинские учреждения за помощью, получая консультацию врача - профессионала и трепетную заботу медицинской сестры, невольно задумываешься, какая же большая ответственность возлагается на этих ангелов в белых халатах! Какими профессионалами своей сферы они должны быть!

**РАЗМЫШЛЯЯ О ЗАВТРАШНЕМ
ДНЕ СОТРУДНИЧЕСТВА...**



Задавая себе множество таких вопросов, мы бы хотели отметить, что большое внимание уделяется проведению реформ в сферах образования и обмена опытом между медицинскими персоналами многих стран. Именно этой теме и была посвящена программа заседания Исполнительного Комитета Координационного Совета по сестринскому делу Центральноазиатского региона, проведенного 1-3 марта 2006 года в городе Ташкенте в отеле «Grand Mir». На заседании присутствовали заместитель министра здравоохранения Республики Узбекистан А. Камиллов, региональный директор проекта Здрав Плюс по повышению качества в здравоохранении П. Кэмпбэл, советник по вопросам здравоохранения ЮСАИД в Узбекистане Б. Миллис и члены КСС ЦАР являющиеся ведущими специалистами в области сестринского дела и сестринского образования.

История проведения заседаний КСС ЦАР началась в 1999 году в городе Бишкеке (Кыргызстан), когда при содействии Американского международного союза здравоохранения (АМСЗ) была проведена первая конференция Координационного Совета по сестринскому делу с участием всех стран ЦАР (за исключением Туркменистана). Основные цели создания КСС ЦАР:

- координация проводимых реформ в сестринском деле;
- подготовка и обучение медсестер;

- обмен информацией между странами ЦАР.
В ходе заседания всеми странами - участниками был дан краткий отчет о проделанной ра-



боте за 2005 год.
На второй день заседания обсуждались вопросы стратегии сестринского дела:

- * Людские ресурсы в сельской местности;
- * Роль медицинских сестер в улучшении качества медицинских услуг в лечебно-профилактических учреждениях;
- * Руководства по клинической практике;
- * Исследования и роль ассоциаций в совершенствовании системы сестринского дела.

Также после обсуждения вопросов, придя к определенным выводам по улучшению качества образования для последующей трудовой деятельности медицинских сестер, участники заседания на деле ознакомились с мероприятиями, проводимыми в нашей республике. Они побывали в медицинском колледже им. П.Ф. Боровского и в Республикан-

ском научном центре экстренной медицинской помощи (РНЦЭМП). По словам председателя КСС ЦАР Р. Салиходжаевой, в Республике Узбекистан одной из приоритетных задач системы здравоохранения является совершенствование сестринского дела. Для этого при Ташкентской медицинской академии действует факультет по подготовке медицинских сестер с высшим образованием. Тут же, после окончания бакалавриата, специалисты имеют возможность получить степень магистра. Также по всей республике действуют медицинские колледжи по подготовке достойных специалистов для работы в ме-

дицинских учреждениях. К тому же в учебных заведениях по подготовке медсестер преподают медицинские сестры с высшим образованием. Учащиеся постоянно проходят практику в медицинских учреждениях, оснащенных современной медицинской аппаратурой, что позволяет на деле применить и закрепить весь приобретенный материал. Также в Институте усовершенствования врачей проводится обучение медицинских сестер. Для эффективной подготовки профессиональных медработников наша страна сотрудничает с ВОЗ, ЮСАИД, Здрав Плюс, Всемирным Банком развития, Азиатским Банком развития, Японским агентством JICA, АМСЗ, ТАСИС, организацией «Машав», Проектом SAFE и Проектом DWV (Германия). Активную деятельность ведет также Ассоциация медицинских сестер Узбекистана.

В своем докладе о проводи-

мых работах в Киргизии, Т. Саганова, главная медицинская сестра Министерства здравоохранения Киргизии, подробно ознакомила с национальной программой «Манас Таалими», рассчитанной на 2006-2010 годы. Она также представила проект положения о «сестринском процессе». Представительница Киргизии, тщательно ознакомившаяся с системой образования медицинских сестер Узбекистана, особо подчеркнула, что качественное обучение является гарантом плодотворного труда. А деятельность медицинских колледжей, факультета по подготовке медицинских сестер с высшим образованием Ташкентской медицинской академии служат трамплином в вышеуказанной миссии. На примере квалифицированного медицинского персонала (медсестер) РНЦЭМП, наблюдая их профессиональную подкованность, она еще раз убедилась в постоянном совершенствовании этой системы.

Выступившая на заседании заместитель председателя КСС ЦАР, директор Республиканского центра сестринского дела в Таджикистане, З. Абдуракманова доложила о делах, проведенных в 2005 году. С особым уважением она оценила осуществленные в Республике Узбекистан мероприятия. И сегодняшняя система обучения, по ее мнению,

действительно заслуживает всяческих похвал.

С. Назарова, ведущий специалист главного управления кадров и учебных заведений Минздрава, в интервью нашей газете с гордостью пояснила о том, что качественному обучению медицинских сестер уделяется особое внимание по всей нашей республике. Хорошо поставленный учебный процесс совмещается с практикой, применением знаний в реальной трудовой деятельности, что означает постоянную работу над собой. А преподавательский состав колледжей и вузов страны, специализирующихся на подготовке медицинских кадров, постоянно ведет контроль над учащимися.

Взаимопонимание и обмен опытом действительно помогают в решении некоторых проблем и принятии нужных мероприятий по их полному исключению. А состоявшееся трёхдневное заседание является стимулом для более тщательной работы с медицинскими кадрами, их постоянного обучения и совершенствования. Думаем, что заслушанные доклады и консультации послужат дальнейшему прогрессу в сфере здравоохранения народа.



Членами КСС ЦАР и участниками заседания было решено продолжить обсуждение вопросов на следующей встрече, ежегодной Региональной конференции КСС ЦАР, которая состоится в столице Кыргызстана городе Бишкеке.

Анжумандаги ўйлар



Рихси СОЛИХУЖАЕВА,
Узбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси, Марказий Осие давлатлари «Ҳамширалик иши» бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси.

— Бўлиб ўтган мазкур анжуман ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда «Ҳамширалик иши» ни янада такомиллаштириш, уни бошқа давлатлардаги узлуксиз жараёнларни шакллантириш асосида амалиётга кенг татбиқ этилиш масалаларини қамраб олади. Уч кун мобайнида ўтказилган кенгашининг навбатдаги йиғилишида кўтарилган масалалар ўзининг долзарблиги ҳамда муҳимлиги билан бошқа тadbирлардан туб-

дан фарқ қилди. Айниқса, тadbирнинг иқкинчи, учинчи кунда кўрилган асосий масалалар бўйича ўртага ташланган тақлиф-мулохазалар кенгаш аъзоларини кизгин баҳс-мунозарага чорлади. Эътиборлиси, Узбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикасидан ташриф буюрган мутахассис вакилларнинг 2005 йилда қилган ишлари бўйича ҳисоботлари Марказий Осие давлатларида «Ҳамширалик иши»нинг узлуксиз равишида олиб борилишига имкон яратди, шунингдек, изланиш ва янгиланган сари етаклари, десам янгиланган бўламан. Ҳулоса қилиб айтилган бўлсам, бизнинг бу ҳамжihatлигимиз кенг қамровли бўлиб, ҳамширанинг фаолиятдаги мавқеини кўтара олиш ва унинг бу

соҳада узлуксиз билимга эга бўлишини ҳамда орттирилган билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ қилишдан иборатдир. Ўтказилган тadbирнинг муҳим жиҳати шунда бўлдики, уч давлат ўртасидаги «Ҳамширалик иши» фаолиятларининг тубдан ўзгариши, ўзаро тажриба алмашувининг тўғри йўлга қўйилиши келажак ишларимизга пухта замин яратди, деб ишонаман.

Шу ўринда мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, бугун дунё аёлларини 8 март байрами билан қутлайман. Уларга баҳорий кайфият, оилаларига тинчлик-хотиржамлик ёр бўлишини истай қоламан.

(Давоми 3-бетда).

Анжумандаги ўйлар



Тамара САҚАТНОВА,
Қирғизистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг
«Ҳамширалик иши» бўйича
бош мутахассиси.

— Ҳақиқатан ҳам, ушбу анжуман аввалиги тadbирларга қараганда кўпгина мазмун-моҳиятга эга бўлди. Чунки, 4 йил олдин Тошкентда ўтказилган Халқаро анжуманда «Ҳамширалик иши» бора­сидаги муҳим масалалар ўртага ташланган бўлиб, асосий

(Давоми. Боши 2-бетда).

этибор бугунги кун учун долзарб бўлган етук ва малакали, замонавий ҳамширалар тайёрлаш вазифаларига қаратилган эди. Мана бугун бу ишларга маълум маънода эришдик. Айниқса, Ўзбекистон Республикасида «Ҳамширалик иши ва таълими» борасида қилинган ишлар салмоғи ўзининг махсулий натижаларига эришганлигини кўрсатди. Бу албатта, Ўзбекистонлик ҳамшираларнинг тинимсиз изланишлари, шунингдек, уларнинг ўз касбларига бўлган меҳрлари ҳамда мустақил равишда фикр ва иш юритишларининг меваси деб биламан. Уч кун мобайнида ўтказилган кенгаш йиғилишидаги муҳим масалаларнинг кўзда тутилгани Марказий Осиё давлатларида «Ҳамширалик иши»нинг янада бардавомлигидан далолат беради. Анжумани ба­хорнинг илк кунларида бўлиб ўтганлиги барча қатнашчиларнинг кайфиятларига кўтаринлик бағиш­лади.

Шу жумладан, мен ҳам нафосатли аёлларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Ҳабибулла ИБОДОВ,
Тожикистон Республикаси
Душанбе шаҳар тиббиёт
билим юрти директори.

— Тадбир давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бўлган П. Ф. Боровский номидаги тиббиёт коллежида бўлар эканман, талабалар учун амалиётда қўллайдиган муяжжарнинг турли-туманлиги, хоналарнинг замон талаблари даражасида жи­ҳозланганлиги, малакали ўқитув­чилар билан таъминланганлиги иштирокчиларни хайратга солди. Шунингдек, замонавий техноло­гиялардан унумли фойдаланаёт­ган талабалар ва ўқитувчилар билан суҳбатда бўлганимизда улар дунё янгиликларидан бохабар эканликларини батафсил баён этдилар. Бу албатта, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қадрлар масала­сига бўлган эътиборининг ижо­бий натижаси эканлигига амин бўлдим.

Лаофатли хотин-қизлар 8 март айёмингиз кутлуг бўлсин. Жами­ки эзгу тилаклар сиз учун.



Зухра АБДУРАҲМОНОВА,
Тожикистон Республикаси
«Ҳамширалик иши» бўйича
Республика маркази директори.

— Тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтганлиги ҳамкасбларим қатори мени беҳад қувонтирди, десам хато қилмаган бўламан. Чунки, ўзаро ҳамжиҳатликда, елкама­елка туриб, сидқидилдан кири­шилган ишлар албатта, ўз самар­расига эга бўлиши юқорида ай­тиб ўтилган маъруза ва фир­мулохазаларда яна бир қарра на­моён бўлди. Чунки, Ўзбекистон-

лик мутахассисларнинг «Ҳамши­ралик иши» жараёнларида қўлга киритган ютуқлари, бу жараён­ларнинг шуддатли равишида тус олганлиги, энг асосийси замонавий ҳамшираларнинг янги­ча қиёфаларда амалиётдан ўрин олиши, бу борадаги таъриба­ларнинг аҳамияти нақадар кат­та эканлигидан гувоҳлик бера­ди. Мени хайратга солган нар­са шуки, биз бугун янгиликлар ва изланишлар қаноти бўйлаб олға борар эканмиз, олдимиз­да турган ҳар қандай масалани бир-биримиз билан биргалик­да олиб боришимиз зарур деб ўйлайман. Айниқса, РШТЕИМ­даги «Ҳамширалик иши» жараё­ни ва ёзувларининг кириб ке­лиши амалий натижаларга эга бўлаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Анжуман ўз ишига яқун ясар экан, юқорида кўрилган масалалар келгусида аста-се­кинлик билан ўз самарасини бе­ришига ишонаман.

Баҳор ва гузалик байрамин­гиз сизларни ҳеч қачон тарк эт­масин, азиз аёллар!

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ТАШАББУСКОР АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ



Аёл... Бутун борлиқни, оилани, қола­верса жамиятни яшатувчи фаришта­дир. Зеро, дунёдаги жамики эзгулик­ка йўрилган жавоҳирли сўзларни она мадҳига битсақда, озлик қилади. Шу боис, оқила аёлларимиз меҳнатини қанчалар эъозласақда, унинг поёнига ета олмаймиз. Дарҳақиқат, хотин-қиз­лар учун 8 март байрамининг баҳор фаслига тўғри келиши аёлларимизга хос бўлган фазилатларни ўзида мужас­сам этади. Ана шундай айём билан ҳамоҳанг хотин-қизларимизнинг эл-юрт орасидаги ҳурмати ҳар бир ташкилот томонидан ўзгача шуқуҳ билан қадр­ланади ва эъозланади.

Кун кеча пойтахтимиздаги Муқимий номли муסיқали драма театрида Ўзбеки­стон касаба уюмчалари Федерациялари кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Тош­кент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бош­қармаси ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенга­ши ҳамкорлигида мазкур санага бағиш­ланган тadbир бўлиб ўтди.



Тadbирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюш­маси Марказий Кенгаши раиси Озода Муҳитдинова кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимида фаолият юритаётган хотин-қизлар меҳнати нечоғ­ли таҳсинга сазовор эканлигини таъкид­лаб, аёлнинг оилада, жамиятда ўрни ўз­гача бўлиши, қолаверса ҳар бир соҳада хотин-қизлар меҳнати катта бўлаётган­лигини фахр билан тилга олди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раи­си, сенатор Фарида Абдурахмонова ҳам сўзга чиқиб, юртбошимиз томонидан хотин-қизлар меҳнатига бўлган эътибор ва ҳурматни ўзининг эътирофи фикрлари билан изоҳлади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тadbирда Тошкент шаҳрининг тиббиёт муассаса­ларида меҳнат қилаётган ҳамшира ҳамда кичик тиббиёт ходимларининг тақдиф этилиши ҳам ўзига хос тарзда мазмун­моҳият кашф этди. Бу касб эгалари меҳ­натини ижтимоий, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашида Ўзбекистон Рес­публикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бош­қармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳоки­мияти, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши­ларнинг кўрсатаётган рағбатлари алоҳида эътирофга лойиқ.

Тadbир сўнггида иштирокчиларга юқоридаги ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топ­ширилди. Шундан сўнг, аёлларни мадҳ этувчи, уларнинг байрамона кайфиятига қувонч улашадиган хонандалар томони­дан ижро этилган куй-қўшиқлар ҳамда те­атр жамоаси томонидан тўхфа этилган спектакль қатнашчилар қалбига ҳақиқий байрам руҳиятини олиб кирди.

Жорий йилнинг 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ­ни сақлаш вазирлигининг Фтизиатрия ва пульмонология илмий-­текшириш институтида Туркиянинг «ТИКА» ҳамкорлик ва тарақ­қиёт идораси томонидан инситутнинг болалар касалликлари бўлимига инсонпарварлик ёрдами топширилди.

Тadbирни Республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти директори, академик А. Убайдуллаеве кириш сўзи билан очиб, институтнинг болалар касаллик­лари бўлимида узоқ муддатда даво­ланаётган болалар учун имконият­лар яратиш ва шу жараёнда улар­нинг таълим олишларини яхшилаш мақсадида барча шарт-шароитлар­ни тақомиллаштириш муҳим экан­лигини таъкидлаб, берилаётган му­рувват ёрдами бемор қалбларга катта гамхўрлик рамзи эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, тadbирда

нинг «ТИКА» ҳамкорлик ва тараққиёт идораси билан ҳамжиҳатликда фао­лият олиб бормоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Соғлом авлод учун» Халқаро хай­рия жамғармаси томонидан мазкур ташкилотга янги грант лойиҳалари топширилган эди. Ушбу лойиҳалар­дан биттаси «ТИКА» ҳамкорлик ва та­раққиёт идораси томонидан қабул қилинди. «Соғлом авлод учун» Хал­қаро хайрия жамғармаси инсти­тутининг мазкур бўлиминини қўллаб-қувватлаш юзасидан грант лойиҳа­сини топширган эди. Лойиҳага асо-

ГАМХЎРЛИК РАМЗИ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Комилов, Туркиянинг Ўзбекистон­даги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кемал Асйа, Туркия ҳамкорлик ва та­раққиёт идорасининг Ўзбекистон­даги раҳбари Фарук Уйсал жаноблари ҳамда бир қатор ташкилотларнинг вакиллари ҳам сўзга чиқиб, бемор болалар саломатлиги йўлида тақдим этаётган беғараз ёрдамлари эзгулик­ка хизмат қилишини алоҳида тилга олдилар.

Ҳабарингиз борки, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси 2004 йилдан бўён Туркия давлати-

сан «ТИКА» ташкилоти томонидан қаттиқ ва юшмоқ жиҳозлардан иборат 15000 АҚШ долларига тенг ин­сонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси томо­нидан ҳам юқоридаги бўлимида да­воланаётган 30 нафар бемор болалар учун илтим-кечак, санитария-ги­гиена восталари ва бошқа турдаги совғалар топширилди.

Бундай беғараз ёрдамнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йилида топширилиши инсон саломатлигига бўлган муносабатининг ижобий маҳ­сули эканлиги республика тиббиёт тизимидаги ҳамкорлик ишларининг янада ривожланиб кетишига замин яратади.

2-3-саҳифа материалларини
Ибодат СОАТОВА ва Ирода ИЛҲОМОВА тайёрлашди.
Суратлар муаллифи Асен НУРАТДИНОВ.

НУРГА ТАЛПИНИБ ЯШАЙДИ ОДАМ

Эътироф

Асака шаҳар марказий шифохонасида Минаввархон Дадажонова ҳақида илқ гапларни эшитган бўлсам-да, биттасининг ҳазил аралаш: «Дадажонова муҳбирларни хушламайди, ўзини олиб қочади», дегани бироз ўйлантириб қўйди. Тўғри ҳаётда турфа хил феъл-атворли одамлар бор. Бири ўзини реклама қилишга ўч бўлса, бошқаси мақтанлиши ёқтирамайди. Яна бири эса камсукум, камгап, ичимдагини топ дейдиганлар тоифасидан бўлади. Қаламкаша берилган имтиёз шундаки, қаҳрамоннинг ички дунёсини очиш, обрў-эътиборига сабаб бўлган нуқталарини илғай олишдир. Аммо бунга эришмоқ, гўёки, игна билан кудуқ қазишдек гап.

Минаввар Дадажонова иш столидаги дид билан ясалган бир қучоқ гулдастни кўриб қувониб кетди. Уни авайлаб гулдонга ўрнатар экан, гуллар орасидаги хатга кўзи тушди: «Минаввар опажон! Исмингиз жисмингизга мос экан. Фақат менгагина эмас, оиламиз хонадонимизга ҳам бит-

мас-туганмас нур, қувонч ҳада этдингиз. Таваллуд топган кунингиз муборак бўлсин. Умрингиздан барака топинг. Биз каби ҳаётдан умидини узган бир хастанинг қалбини ёрита олдингиз. Раҳмат. Оллоҳ ҳаммамиздан ризо бўлсин. Хусниддин».

Хусниддин оғир дардга — сил касаллигига чалинганлигини билгач, кўз ўнги қоронгулашди, эртанги кунини тасаввур қила олмай қолди. Рухий тушқунлик унинг силласини қуритганидан озби-тўзиб кетганди. Иродасини жиловлай олмаган йигит аламини ичкиликдан оларди. Тинимсиз йўталар, ўқчи ва яна йўталарди. Ана шундай пайтларда у қийналиб кетар, бу ёрғу дунё кўзига тор ва зимистон бўлиб

кўринарди. Ҳаёт сўқмоқларида у Минаввар Дадажоновага дуч келмаганида эҳтимол, ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқи бутунлай сўнган бўлармиди.
М. Дадажонова Хусниддиннинг тақдирига бевфарқ бўлмади. Муолажани изчил давом эттирди. Аввало йигитнинг онгига: «Мен албатта тузалиб кетаман!» деган ишончини муҳради. Кунлар кетидан ҳафталар, ойлар ўтди. Соғайиш йўлига ўтган беморни санаторийга бо-

ришга кўндирди. Тоғ ҳавоси ўпкага яхши даво эканлигини ўз тажрибасида синаб кўрган шифокор Хусниддин билан биргаликда сиҳаттоғхга борди. Бу ердаги тоза ҳаво, парҳез, энгил спорт билан шуғулланиш беморга наф бўлди. Аста-секин йигитнинг мускулларига куч йиғилди, юзлари тиниқлашиб, қон югурди. Кўзларида ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқни кўрган шифокорнинг кўнгли ёришди...

Минаввар опанинг киприкларига севинч ёшлари қалқиб кетди. Наҳотки, дарров элиқойилар доvonига етиб келган бўлса? Мунчалар тез чопмаса, умр югирик. Бунчалар тез айланмаса дунё чарқлабди. Ахир у кечагина Наманганнинг Учқўрғон кўчаларида чопқиллаб юрган қизалоқ эмасмиди?..

У ёшлигида санъаткор бўлишни орзу қилар эди. Гоҳо таниқли хонадаларнинг қўшиқларини ўзича хиргойи қиларди. Бироқ, болалиқдаги ҳавёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Дадаси оғир дардга чалиниб қолди. Уч йил тўшака миҳланди. Муолажара келган оқ халати шифокорлар қизнинг кўзига наҳот фариштаси бўлиб кўринар, дадаси тезроқ оёққа туриб кетишини жуда-жуда хоҳларди. Начора, дард барибир голиб келди. Минаввар тўртинчи синфдалигида отаси билан видалашди...

Ўшанда қизнинг юрагида бошқа ҳасратли ҳавас уйғонди. У шифокорлик касбининг машаққатли эканлигини ҳис қилган ҳолда ушбу касбни эгаллашга азму қарор қилди. Чунки, опаси Ҳайрихон

болалар шифокори, Хулқарой эса Тошкентдаги тиббиёт институтининг доришунослик факультетида ўқирди. Бемор дардига малҳам бўлишининг илк куртаклари Минаввархонда ўша дамда уйғонди.

Табиатан зукко, билимга чанқоқ Минаввархон дугоналари билан Андижон тиббиёт институтига ҳужжат топширди. 1972 йилда олиғгоҳ талабаси бўлишдек бахт nasib этди. Ва у шифокорлик сирасорларини ўрганишга, фанларни чуқур ўзлаштиришга берилиб кетди.

2000 йилнинг бошларига келиб, шаҳар поликлиникасида сил касаллигига қарши кураш бўлимини бошқарадиган етук мутахассис етишмай қолди. Борлари ҳам бу ерда ишлагга рози бўлишмади... Ана шундай кунларнинг бирида бу ерга Минаввархон Дадажонованинг номзоди кўрсатилди. Гиппократ қасамига содиқ бу аёл ҳеч иккиланмай бу тақлифга рози бўлди.

— Мумкинми? — эшик қия очилиб, мижозлардан бири Жомий номли кўчада яшовчи Дилфузахон Акбарова кириб келди.
У бундан икки йил аввал плеврид касаллиги билан оғриган, икки қадам юрса ҳам толиқар, гўё ҳаво етишмаётгандек ҳансирадди. Икки нафар фарзандинг

онаси бўлган ушбу аёлга баъзилар ачинишса, айримлар турли миш-мишлар тарқатишган. Аммо шифокорнинг аниқ таъҳис, қатъий фикри, беморнинг тузалиб кетиши учун билдирган ишончли далил-ҳулосалари Дилфузахонни ҳам, унинг турмуш ўртоғи Низомжоннинг ҳам кўнглини кўтарди. Эр хотинидан узоклашма-

ди, бағли унга бутун меҳрини бағишлади. Қўча-қўйдаги ҳавойи гапларга учмай, беморнинг муолажаси учун нимаки зарур бўлса, барчасини топишга ҳаракат қилиб, елиб-югурди. Ҳатто сиҳаттоғларга бирига борди. Мана натижаси! Шифокорнинг олдидан дарддан фориғ бўлиб, гулгул очилган Дилфузахон турарди!

клиникаси сил касаллигига қарши кураш бўлимини муҳирлик билан бошқариб келмоқда.

Ха, шифокор учун оғир дарддан ҳалос бўлган беморнинг юз-кўзидаги қувончини кўришдан ҳам ортиқ бахт борми?

Ана шундай бахтга интиляб яшаётган шифокорнинг қалбидаги нур менинг ҳам қўлимга қалам тутқазган бўлса не ажаб...

Абдулахад ҲУМОНОВ, Андижон вилояти, Асака шаҳри «Асака оқшоми» газетаси муҳбири.

Буюқ рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов шифокорлар ҳақида шундай деган эди: «Шифокорлик ҳар қандай мутахассисдан жасорат, жонбозлик, соф виждон талаб қилади. У фикри равшан, яхши хулқли, жисмонан кучли бўлиши керак».

Ёзувчи гўёки, бу сўзлардан бундан бир аср муқаддам замондошимиз Жўраҳон Охуновага қарата айтгандек.
Андижон тиббиёт институти муваффақиятли тамомлаган қаҳрамонимиз илк фаолиятини шу олиғгоҳ клиникасининг юрак қон-томир ка-

либ, бошимиз ёстиққа етганда бу ҳикмат қадрини чуқурроқ англаб етамиз. Ваҳо-ланки, ўзининг шарафли касби ортдан қанчадан-қанча инсонларга шифо улашган, қўли энгил Жўраҳон Алимов-на қаерда меҳнат қилмасин ўз устида доимий изланиш-

МЕҲРИ ДАРЁ ШИФОКОР

салликлари бўлимида шифокорликдан бошлади. Кўп марта Ташкент ва Москва шаҳарларида ўз малакасини ошириб қайтган Жўраҳон бугунги кунда олий тоифали шифокор сифатида Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармисига қарашли 4-сонли поликлиникада врач-терапевт лавозимида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

— Ҳаётда яхши одамлар кўп, уларнинг меҳри дилларга таскинлик берса, хаста кўнгилга эса қувват бахш эта олади. Демак, меҳрда гап кўп. Ана шундай олижаноб фазилатларни мен фақат Жўраҳон Охуновада кўрган-дек бўламан, — дейди биз билан суҳбат чоғида поликлиника бош врачи Раёно Соливодиева.

Халқимизда «Соғлиқ — туман бойлик», «Дард чекмай билмас дори-дармон қадрини» деган нақлларни кўп бора эшитамиз. Шунда шифокорнинг нечоғлик керакли инсон эканлигини соғлигимиз йўқо-

да бўлади. Шу боис бўлса керак, у 29 йилдири, шифокорлик касбини ардоқлаб, халқимиз саломатлиги йўлида ишлаб, чарчок нималигини билмайди.

— Тажрибали шифокор Жўраҳон Охуновани чин маънода ўз касбининг фидойиси, багрикент, хушмуомалали ажойиб инсон деб биламан. Мана, 10 йилдири, юрак хуружи билан шу ерда даволаниб, муолажалар олиб тураман. У кишидан нафақат мен, балки бошқа беморлар ҳам миннатдор, — дейди 1-ғурух ногирони, А. Барабашин.

Қаҳрамонимиз фаолияти давомидида кўпгина шоғирлар тиббиёт олимига, фарзандлар тарбиясига, уларни эл-тюрчи учун муносиб авлодлар бўлиб етишишига бахшида этди. Орамизда ана шундай меҳри дарё, қалби қуёш, меҳнатсевар шифокорларимиз борлигидан барчамиз фахрланамиз ва уларни ҳур-мат билан эъзозлаймиз.

ЭЛ ОЛҚИШНИ ОЛИБ

Дунёда яхши инсонлар кўп. Лекин яхшиларнинг яхшиси бўлиш, кўпнинг назарига тушиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айниқса, қарияларнинг «Умрингдан барака топ, икки дунёда ҳам азиз бўлгин» дея қилган дуоларини олиш нақадар шарафлидир. Андижон шаҳридаги 4-полиликниканинг кўз касалликлари бўйича олий тоифали шифокори Дивеева Наталия Родиковна ана шундай дуоларга мушарраф бўлиб келётган инсонлардан биридир.

Эндигина 33 баҳорни қарши олган Наталия шифокорлар оиласида таваллуд топган. Улар оиласини шифокорлар сулоласи десам янглишмаган бўламан. Унинг ота-онаси ва опаси ҳам шифокорлик касбини улғулаб келган инсонлардандир...

Наталия шифокорлиқнинг ҳозир соҳаси, яъни кўз касалликлари бўйича мутахассис бўлиши лозимлигини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Оруси рўйеб, қаҳқан талаба, етуклик дипломини кўлга олган Андижон шаҳрининг 4-полиликникасига ишга келди. Наталия маъзур даргоҳда бемор қалбларга кўз нури улашиб, ҳозирга қўнға қадар меҳнат қилиб келмоқда. У табиатан очик кўнгили, камтар, ўзи ва бошқаларга нисбатан талабчан, ҳозиржавоблиги билан ажралаб туради. Унинг қўлидан шифо топган инсонлар билан суҳбатлашсангиз юқоридаги сўзлар нақадар ҳақиқат эканлигига амин бўласиз. Чунки, оиладаги ана шундай тоза муҳит Наталияни янада улғайтирди. Саъй-ҳаракатлари билан фаолият кўрсатаётган жамоада обрў-эътибор ва ҳурмат қозон-

ди. Билимга бўлган иштиёқ ва тиришқоқлик сабаб Наталия Родиковна 2000-2001 йиллар оралиғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги маъсус курсларда, тажрибали шифокор Ҳ. Абду-холиков раҳбарлик қилаётган кўз касалликлари диспансерида икки мартаба қайта тайёрловдан ўтиб, олий тоифали кўз доктори деган номга сазовор бўлди. Энг қизиғи, у икки тилда ҳам бемалол гаплаша олади. Беморлар билан мулоқот қилиш жараёнида тиббиёт дентологиясини бузмаган ҳолда иш олиб боради. Гарчи, у давлат мукофотларига эришмаган бўлса ҳам, лекин ундан шифо топаётган минглаб беморларнинг дуоси, миннатдорчилиги назаримизда Наталия учун ҳамма нарсадан устундир. Шифокорлар сулоласида вояга етган Наталия Родиковна билан ҳар қанча фахрланасангиз бўлсин. Бутун умрини эл саломатлиги учун бағишлаган бу каби ибрат олса арзигулик оилаларнинг тахсинга лойиқ меҳнатлари ҳар доим ардоқланиб келади.

Жалолиддин ТУРДИЕВ, меҳнат фаҳриysi, Андижон вилояти.

Шабрик

Мунис аёлларимизни гўзал айёмлари билан қўтлайман. Баҳорий кайфият доим силзлага ҳамроҳ бўлсин. Баҳор байрами ҳар бирингизнинг хонадонингизга тинчлик-омонлик, соғлиқ-саломатлик, шодлик ва севинч олиб келсин. Онаножларимиз ва опа-сингилларимизни баҳорий илиқлик, самимийлик ҳеч қачон тарк этмасин. Орузларингиз ушласин!

Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, академик, Республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти директори.

МИКРОКЛИМАТ В ВАШЕЙ КВАРТИРЕ

Выходя из квартиры своего дома, слышу диалог двух женщин, их спор о том, какую температуру необходимо поддерживать в жилой комнате, чтобы сохранить свое здоровье, не простудиться.

- В течение зимнего периода у нас болели все члены нашей семьи. Я старалась обогреть комнату различными способами, повысить температуру. Ведь от батареи водяного отопления воздух в квартире нагревался лишь до 16-17 градусов. А мои дети любят в комнате сидеть раздетыми, лишь в легкой летней одежде. Подключая электрический обогреватель, я добивалась, чтобы температура, как и летом, равнялась 20-25 градусов, - утверждала одна из них.



Будьте здоровы

- Вот поэту и простывают все! В комнате должно быть гораздо прохладнее. Придерживаясь более прохладной температуры в квартире, я добились, что все мы были здоровы и не простывали, - возразила вторая.

Для уточнения истины я попросила заместителя начальника областного управления здравоохранения Долиера Шадиевича Турсунова рассказать о том, какую температуру необходимо соблюдать в помещениях в холодное время года, чтобы оставаться здоровым. Вот что он рассказал:

- Человек хорошо себя чувствует, когда в квартире легко дышится, в ней свежий воздух, тепло и сухо. Микроклимат жилища складывается из температуры, влажности воздуха и скорости его движения, конвекции.

Колебания температуры, увеличение влажности и насыщение воздуха продуктами жизнедеятельности человека, различными испарениями неблагоприятно влияют на наше самочувствие, изменяют ритм и глубину дыхания, вызывают различные нарушения в организме. Поэтому важно, чтобы в жилище поддерживался оптимальный микроклимат. Температура в жилых помещениях в условиях климата нашего региона должна равняться 16-18 градусов. Однако постоянный, «монотонный» тепловой режим в жилище понижает устойчивость организма к действию неблагоприятных факторов среды. Тепличное воспитание изнеживает, вызывает склонность к простудным заболеваниям. Поэтому для тренировки и закаливания человека целесообразно колебание комфортных и умеренно дискомфортных температурных условий, то есть чередование воздействия оптимальной температуры воздуха с более

низкой. Ночью для спален рекомендуется поддерживать равномерно низкую температуру воздуха - 14-16 градусов, поскольку вдыхание прохладного воздуха во время сна способствует большей его глубине и улучшает работу сердца, дыхательной и кровеносной систем. Немаловажна для самочувствия степень влажности воздуха. Лучшее всего чувствуют себя люди, если относительная влажность воздуха в комнате примерно составляет 30-60 процентов (оптимум - 45 процентов). Если нужно повысить влажность воздуха в квартире, пользуются специальными увлажнителями или же ставят около отопительных приборов сосуды с водой. За уровнем влажности воздуха в квартире следят с помощью специальных приборов - психрометров или гигрометров. Важным требованием гигиены является также обеспечение в квартире чистого воздуха, чего добиваются, проветривая комнату, открывая форточку или окно.

